

Закотга олинадиган ҳайвонлар | Фикҳ дарслари (298-дарс)



19:00 / 13 сентябрь 452

Ўртачасини олиш вожибдир. Агар топилмаса, закотчи кичигини олиб, устига қўшимча олади ёки каттасини олиб, ортиғини қайтаради.

Демак, закотга маълум бир ёшдаги ҳайвоннигина олиш кераклиги аён бўлди. Яна закотчи ўша ёшдаги ҳайвоннинг энг яхшисини ёки энг пастини эмас, ўртачасини олиши лозим. Агар бундай сифатдаги ҳайвон топилмаса, пастроғини олиб, қолганига қиймат қўшиб олади ёки яхшисини олиб, ортган қийматни закот берувчига қайтаради.

Закот олиш пайтида туялар сонига биноан маълум ёшдаги ва сифатдаги туяни закотга олиш керак бўлиб қолди, дейлик. Лекин ўша ёшдаги ва сифатдаги туя мазкур туялар ичида йўқ. Нима қилинади? Лозим бўлган туядан кўра кичикроқ ёшдаги туя олинади-да, камига ўртачасини нархлаб, пул шаклида олинади. Агар лозим бўлган туядан катта ёшдаги туя бўлса, буни ҳам қабул қилса бўлади. Аммо ортиғини садақачи – закот омили (ишчиси) закот берувчига ўртачасини нархлаб, ундан ортганини пул шаклида қайтариб беради. Ушбу қоида бошқа ҳайвонларда ҳам ўзига мос равишда ишлатилади. Агар кичик ёшдаги урғочи ҳайвон ўрнига катта ёшдаги эркак ҳайвон олинса, ҳеч нарса олинмайди. Мулоҳаза қиладиган бўлсак, закотга олинадиган ҳайвонларда урғочиси устун кўрилади. Бунда урғочи ҳайвоннинг камбағаллар қўлига тушиб, кўпайиши назарда

тутилган.

Бунга қуйидаги ҳадис далил қилиб олинган:

يَضْرِبُ رِزْكَ بَ أَبَا نَأٍ سِنَانًا نَع
ةً ضَيْرَفُ هَلَبَتَكَ هُنَعُ هَلَلَا
هُلَلَا رَمَأُ يَتْلَا ةَقَدَّصَلَا
هُيَلَعُ هَلَلَا يَلَصُ هَلُوسَر
نَمُ هَدْنَعُ تَعَلَبُ نَمُ مَلَسَو
ةَعَدَجَلَا ةَقَدَّصَلَبِإِلَا
هُدْنَعُو، ةَعَدَجُ هَدْنَعُ تَسِيَلَو
هُنَمُ لَبُقُتْ أَهْنِإِفُ ةَقْح
نِيَتِأَشْ أَهَعَمُ لَعَجِي وَ، ةَقْخَلَا
وَأُ هَلْ أَتْرَسِيَتْسَانَا
تَعَلَبُ نَمُو، أَمَ هَرْدَنِي رُشَع
تَسِيَلَو، ةَقْخَلَا ةَقَدَّصُ هَدْنَعُ

هَدْنَعُو هَدْنَعُ تَسِيَلَوِ، نُوْبَل
لَبْقُتَاهْنِإِفِ ضَاخَمُ تَنْب
نِيرِشَعِ اهَعَمِ يَطْعِيَوِ، هَنْم
تَعَلَبُ نَمَوِ، نِيَتِاشُ وَأَمَهَرْد
ضَاخَمُ تَنْبُ هَتَقَدَص
تَنْبُ هَدْنَعُو هَدْنَعُ تَسِيَلَوِ
هَنْمُ لَبْقُتَاهْنِإِفِ نُوْبَل
نِيرِشَعُ قَدَصُمُ لَاهِيَطْعِيَوِ
مُ لَنْإِفِ، نِيَتِاشُ وَأَمَهَرْد
يَلَعِ ضَاخَمُ تَنْبُ هَدْنَعُ نُنْكَي
نُوْبَلُ نُبَاهَدْنَعُو، اهَهَجُو
هَعَمِ سِيَلَوِ هَنْمُ لَبْقِي هَنْإِفِ
دُوَادُ وُبَاوِي رَاخُبُلَاهَاوَرِ، عِيَشِ

يئاس ن ل او

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Абу Бакр розияллоҳу анҳу унга Аллоҳ Ўз Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга амр қилган садақа фарзини ёзганида қуйидагилар ҳам бор эди:

«Кимнинг ҳузуридаги туяси закотиға жазаъа берадиган даражаға етса-ю, унинг жазаъаси бўлмай, ҳиққаси бўлса, ундан ҳиққа қабул қилинади ва у билан бирга имкони бўлса, иккита қўй ҳам олинади. (Агар қўй бериш) имкони бўлмаса, йигирма дирҳам олинади. Кимнинг ҳузуридаги(туя)си ҳиққани закотға берадиган даражаға етса-ю, унинг ҳиққаси бўлмай, жазаъаси бўлса, ундан жазаъа қабул қилинади ва садақачи унга йигирма дирҳам ёки иккита қўй беради. Кимнинг ҳузуридаги(туя)си ҳиққани закотға берадиган даражаға етса-ю, унинг ҳиққаси бўлмай бинти лабуни бўлса, ундан ўша қабул қилинади ва у яна иккита қўй ёки йигирма дирҳам беради. Кимнинг закоти бинти лабунга етса-ю, унинг ҳиққаси бўлса, ундан ҳиққа қабул қилинади ва садақачи унга йигирма дирҳам ёки иккита қўй беради. Кимнинг закоти бинти лабунга етса-ю, унда у йўқ бўлса ва унинг бинти мухози бўлса, ундан ўша қабул қилинади ва яна йигирма дирҳам ва иккита қўй ҳам беради. Кимнинг закоти бинти мухозга етса-ю, унда у бўлмай, бинти лабун бўлса, у қабул қилинади ва садақачи унга йигирма дирҳам ёки иккита қўй беради. Агар унинг кўнгилдегидек бинти мухози бўлмаса-ю, бинти лабуни бўлса, ўша ундан қабул қилинади ва у билан бирга қўшиб ҳеч нарса бермайди».

Бухорий, Абу Довуд ва Насоий ривоят қилишган.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.